

ТАШАБЪБУСКОРЛАР КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОҒИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!

ЖИЗЗАХ

МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗДА ҚАЙТА ИШЛанади

1992 йили укаларим — Достон, Шароф, Абдура- суллари ёнимга чакириб, уларга фермер бўлиш так- лифини айтганимда кувониб кетишди. Хўжалик но- минини ҳам тўғич укам топди: — «Лочин». Еру-жўра- лар: «Ҳақиқий чўл лочини бўлдинглар, бўёғига худо мададкор бўлсин», дея самимий тилак билдиришди. 30 гектар ер олиб иш бошладик. Иш дастлаб осон кечмади. Дехқонлар тажрибасига таяниб иш юри- тдик. Экин майдонларини йил сайин кенгайтириб бор- дик. Бунинг эвазига ялпи ҳосил миқдори кўпайиб, ердан олиннадиган даромад баракали бўлди. Жамоа- миз дастлаб оила аъзоларимиздан иборат бўлган бўлса, эндиликда Олим Мирзааҳмедов, Истам Тинг- ликов сингари ўндан ортик ҳамқишлоқларни ҳам до- имий иш билан таъминлашга эришдик.

Ўтган йили 105 гектар майдонда дехқончилик қил- дик. 56 гектар ерга чигит қадаб, 35 центнердан га- ллазорнинг гектаридан 43,5 центнердан ҳосил йи- гиштириб олдик. 6 миллион сўмлик пахта сотдик. Йиллик соф фойда 2 миллион сўмга етди, 4 гектар ерда бог яратдик.

Бизни кўпдан ўйлантириб келаётган бир муаммо ечимни топилгандай бўлапти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хом ашё тарзида эмас, тайёр маҳсулот сифатида сотишга эришолсак, даромад бир неча мар- та кўпаярди. Пешона тери билан топилган маблаг- нинг бир қисмини минитехнологик ускуналар ва қурилмалар олишга сарфлардик. Бунинг учун биз- нес-режалар тузаяпмиз.

Рустам ЎТАБОЕВ,

Арносой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

ФЕРМЕР БОЙИШИДАН ЧЎЧИМАНГ

Ўтган йили 70 гектар майдонда пахта етишти- риб, ҳосилдорликни 35 центнерга етказдик. Бу- нинг асосий омилли мулк- ка бўлган муносабат туб- дан ўзгарганлигидир.

Президентимиз қиш- лоқ хўжалигида ислохот- нинг муваффақияти ерни ҳақиқий эгаларига то- шириш, мулкдорлар син- фини шакллантиришда, деб бот-бот такрорлаши бежиз эмас.

Фермер йўлидаги тўсиқлар олиб ташлана- ётганидан бошимиз ос- монда. Хўкуматимизнинг ўрта ва кичик тадбиркор- лар субъектларининг ҳисобот топширишларини кескин қисқартириш, ҳисоботни ойида эмас, чораклик қилиб белгилла- туғрисидаги қарори биз- ни гоёт руҳлантириб юборди. Авваллари ана шундай ҳисоботларни қўлтиклаб, ойма-ой тур- ли керак-нокерат идора- лар эшиги олдида сар- гайишимизга тўғри ке- ларди. Мазкур қарор та- дбиркорларни ана шу қий- инчиликдан қўриқтирди. Биз тежалдан вақтимиз- ни эндиликда фойдала- ишга сарф этамиз. Ама- лий ишлар билан ўзимиз- ни нимага қодир эканли- гимизни кўрсатамиз.

**Абдурамон
АБДУРАСУЛОВ,
«Турдибот-ота»
фермер хўжалиги
раҳбари.**

КРЕДИТЛАР КАТТА МАДАД

Жиззах вилояти ўтган 1999 йили давлатга 258 минг тонна пахта, 30 минг тонна дон топи- риб, шартнома режала- рини ортиги билан ба- жарди. Бунда фермер- ларнинг муносиби улуши бор. Фермерлар хисса- сига 123 минг 375 тонна пахта, 103 минг тонна дон тўғри келди. Айниқ- са, Арносой, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл туманларидаги фермер хўжалиқлари улуши сал- моқли бўлди.

Фермер хўжалиқлари етиштирган қишлоқ хўжа- ли маҳсулотларини аҳолига сотишни ташкил- лаштириш мақсадида ту- манларда 16та қассобхо- на, 7та махсус дўкон таш- кил этилди. Мирзачўл ту- манидаги фермер хўжа- лиқлари маблаг ҳисоби- га туман марказида 470



Қонун — барчага баробар

ХЎЖАЛИК СУДИ АРАЛАШГАЧ...

Зарбдор туманидаги Ум- рзоқ Пардаев бошлиқ «Бах- мал-1» фермер хўжалиги ўтган йили 32 тонна галла етиштириб бериш юзасидан «Зарбдор» элеватор хисса- дорлик жамияти раиси И.Жабборов билан контра- кция шартномаси тузган эди. Хўжалик томонидан мазкур шартнома шартлари тўлиқ бажарилиб, 32 тонна галла элеваторга топширилди.

Лекин «Бахмал-1» фермер хўжалиги жамоаси етиштир- ган режадан ортиқча 28280 килограмм галла ҳосилини Зарбдор туман ҳокимлиги таъйини билан тайёрлов идо- расига топширишга мажбур бўлди.

Фермер хўжалиги раҳбари мазкур ҳолат юзасидан вило- ят хўжалик судига даъво ари- заси киритди. Иш атрофлича ўрганиб чиқилганда, даъвогар ҳақ бўлиб чиқди. Жавобгар — «Зарбдор» элеватор хисса- дорлик жамиятидан даъвогар. «Фермер хўжалиги тўғри- сидаги Ўзбекистон Респуб- ликаси Қонунининг 25-модда- сида «Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб му-

стақил равишда нарх белги- лайди», - деб қўрсатилган. Ана шундан келиб чиқиб 28280 кг галланинг ҳар бир килограммини бозор нархи- да 50 сўмдан деб топиб, жа- вобгар «Зарбдор» элеватор хиссадорлик жамиятидан 1.414000 сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чи- қарди.

**Аҳмад АБДУҚОДИРОВ,
вилоят хўжалик
судининг раиси.**

МУЛҚДОРЛИК ҲИССИ

ридли. Демак, аввалги 1 та хўжалик юритувчи субъект ўрнида 85 та юридик шахс, яъни мулкдор юзага келди. Табиий савол туғилади: Хўш, энди 85 та жамоадан вақил 20-25 чақирим йўл босиб турли ҳисоботлар ва ҳужжатлар учун туман мар- казига қатнаши керакми?

Бизнингча, дехқон-фер- мер хўжалиқларининг туман бўлими сингари ҳудудий тарзда уюшма ёки бирлаш- малари тузиб, хўжалик юри- тувчи субъектлар унга те- гишли Низом тартибидан бир

қадар ваколатлар бериб, уни зарур маблаг билан таъмин- ласалар яхши бўларди. Хўжуқий асос масаласини эса республика дехқон-фер- мер хўжалиқлари уюшмаси ҳал этиб бериши зарур.

Масаланинг яна бир жи- хати бор. Янги ташкил эти- лаётган фермер хўжалиқ- ларининг аксариятида ёнлиги- мойлаш маҳсулотлари учун махсус идиллар, ўғит сақ- лаш учун омборлар йўқ. Бу муаммони ҳам ширкатлар тузиш йўли билан ҳал этса бўлади.

Ўзим раҳбарлик қилаёт- ган фермер хўжалиги ҳақида гапирадиган бўлсам, ўтган йилни мав- жуд 100 гектар майдондан 4 миллион 200 минг сўмлик соф фойда билан якунладик. Жорий йилда давлат бюджетига 5 мил- лион 600 минг сўмлик тўловлар беришни режа- лаштирганмиз. Демак, тад- биркор бой бўлса, давла- тимиз ҳам шунчалик баку- ват бўлади. Биз фермер- лик фаолиятимизнинг асо- сий мазмунини ана шундай тушунамиз.

**Иномжон ИСОҚОВ,
Жиззах туманидаги
Х.Носиров номи
хўжалик ҳудудидаги
«Наврўз-С» фермер
хўжалиги раҳбари.**

КИЧИК КОРХОНАЛАР — ҲАР БИР ҚИШЛОҚҚА

«Кўнғирот» Зомин туманидаги йирик қишлоқлар- дан бири. Ўзига яраша қувонч ва ташвишлари бор. Айниқса, ёшларнинг ишсиз юриши қишгилда гашлик уйғотади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги очилгач, дилимга туккан ўйларини амалга ошира бошладик. Имкон топиб, 50 нафар ҳамқишлоқлар- имини доимий иш билан таъминладим. Натижа ёмон бўлмади. Мавжуд 170 бош қорамолдан ўтган йили 40 тонна сут, 10 тонна гўшт маҳсулотлари етиштир- дик ва истеъмолчиларга етказиб бердик. Лекин олин- ган фойда бизни ҳали қаноатлантирмапти. Агар тай- ёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, бу кўрсаткич бир неча баровар ортган бўларди.

Шу мақсадда «Фермерлар ширкати» ташкил эти- либ, унга вилоят дехқон ва фермер хўжалиқлари уюш- маси 7 миллион 50 минг сўм, «Учтепа» дехқон-фер- мер хўжалиги 50 минг сўм, «Бешкуби» хўжалиги 2 миллион 800 минг сўм, «Темур» хўжалиги 1 миллион сўмлик сармоёси билан улуш қўшилди. Ташкентда- ги «Барака» - лизинг компанияси орқали Исроил- нинг «Мараф» фирмасидан 179 минг 907 АҚШ дол- ларига ускуналар олинаяпти. Ҳозир асосий биноларни ҳозирлаб қўйганмиз. Апрель ойигача ускуналарни кел- тириб ўрнатиб, тўла қувват билан ишлашни режа- лаштирганмиз.

Янги корхонамиз ишга тушгач, қўшимча 12 киши доимий иш билан таъминланади. Суткасига 2 тонна- гача етти хил маҳсулот тайёрланади.

Ана шундай кичик корхоналар қишлоқларимизда кўпайса, халқимиз фаровонлиги янада ошса дейман.

**Тожибой ДОНАБОЕВ,
Зомин туманидаги «Кўнғирбой-Т»
фермер хўжалиги раҳбари.**

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Жиззах вилоятида бугунга келиб 3707 та фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ихтиёрида жами 122506 гектар ер майдони бўлиб, шундан 94441 га яқини сугориладиган, 18580 га яқини лал- ми ерлардир. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 33 гектардан ер майдони тўғри келади.

Фермер хўжалиқларида 22757 киши доимий иш билан таъминланган.

Ўтган 1999 йилда фермер хўжалиқлари 53 минг гектар пахта майдонидан 132,375 тонна пахта етиш- тирдилар. Бу вилоятда етиштирилган пахта ҳосили- нинг 51 фоизини ташкил этди.

Галла ҳосилдорлиги фермер хўжалиқларида ўрта- ча 22,5 центнерни ташкил этиб, ялпи ҳосилдорлик 103 минг тоннага етди.

Фермер хўжалиқларида 6728 бош йирик шохли моллар, шу жумладан, 1810 бош сигир, 15659 бош қўй ва эчкилар, 200 бош чўчка, 495 бош от, 1485 бош парранда парвариш қилинмоқда.

Ўтган йили фермер хўжалиқларида 1253 тонна картошка, 9409 тонна сабзавот, 9678 тонна полиз, 48 тонна мева, 306 тонна узум маҳсулотлари етиш- тирилди.

Вилоят дехқон ва фермер хўжалиқлари 414,5 тон- на полиз, 3865,5 тонна сабзавот, 109,8 тонна мева маҳсулотларини ҳукумат қарорига мувофиқ респу- бликадан ташқарига сотди.


Йил давомида фермер хўжалиқларида бюджет- дан ташқари фондлар томонидан 30 миллион 848 минг сўм кредит ажратилди.

Вилоятда 4753 гектар узумзор, 6145 гектар бог- лар ижара асосида оилаларга бўлиб берилди.

ихтиро қилиб, фермер хўжалиқларида тақдим этди. Улар - камчиқим- лиги, сифатли иш бажа- риши жиҳатидан мириш- корларни хушнуд эътап- ти.

**Суратларда: 1. За-
воднинг тажрибали
пайванчиси Илҳом
Йўлдошев.
2. Сеялқалар тайёр-
ланадиган цехда.**

**Б.ТўРАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.**



Текиширув нимани кўрсатди?

Ер ресурслари вилоят бошқармаси давлат ер назоратини юртишни тартибга солиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Бунда ҳукуматимизнинг 1998 йил 31 декабрдаги 543-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб фаоли- ят юритмоқдамиз.

Маълумки, ер - бе- баҳо бойлик. Уни асраб-авайламоқ, ундан самарали фойдаланмоқ ҳар бир фуқароннинг бур- чи. Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжа- лик ва ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусу- сийатлари ва қиймати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдала- нувчилар, ихарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсироти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжат- лар тизимидан иборат- дир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартиб- га солиш мақсадида дав- лат ҳокимияти ва бошқа- руви органларини, ман- фаатдор юридик ва жис- моний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот би- ли таъминлаш, ердан оқилона фойдаланишни, қайта тиклаш ва муҳофа- за қилишни, ер тузили- шини ташкил этиш, ер учун ҳақ тўлаш миқдор- ларини асослаш, хўжалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган.

Вилоятимизда бугунги кунда 4,5 мингдан ортик ердан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, ҳозирги пайтда уларга ер участ- касига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олин- ганлиги тўғрисидаги ма-

сус гувоҳномалар берил- моқда. Ҳозиргача 512 та хўжалик юритувчи субъектлар ана шундай гувоҳномага эга бўлди. Сўнгги йилларда вило-

гектар, узумзорлар 223 гектар, тутзорлар 36 гек- тар, яйловлар 1603 гек- тардан иборат. Фермер- лар ана шу ажратилган ер майдонларидан қай дара- жада фойдаланмоқда?

Текиширушлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим фермер хўжалиги раҳбар- лари режада белгиланган асосий экин — пахта ва галла ўрнига бошқа тур-

фермер хўжалигида 10 гектар, «Диёр» фермер хўжалигида режада бел- гиланган 20 гектар ерга пахта кам экилган бўлса, «Тоғ төрак» фер- мер хўжалигида 9 гектар пахта умуман экилмаган.

Дўстлик туманидаги «Бунёдкор», Зафаробод туманидаги «Қолган сир», «Сарбон», «Мирза», «Факт», Жиззах тумани- даги «Ботир-С» фермер хўжалиқларида ҳам ердан фойдаланиш қонун- чилиги бузилиши ҳолат- лари аниқланиб, айбдор- лар тегишли жазоланди- лар.

Пахтакор туманидаги «Ашуров ва ўғли» фер- мер хўжалиги ердан фойдаланишда қонунга ҳилоф равишда иш ту- тиб, 70 гектар ернинг 22,5 гектарига ўзбошим- чилик билан макжаҳўхо- ри эккан. Бу экин мут- лақо ишлов берилмаган- нидан қалин ўт билан қопланган. А.Икромов номли хўжалик билан ўзаро тузилган шартно- ма шартлари бажарилма- сдан қолган. Натижа- да туман прокурорининг протестига асосан туман ҳокими қарор чиқариб, фермер хўжалиги ерла- ри қайтариб олинди.

Фермерлик харакати- ни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг ерга бўлган муносабатини ях- шилашда ишончли ҳам- кор бўлиб қолаверамиз.

**Шухрат ХАЙДАРОВ,
ер ресурслари вилоят
бошқармаси бошлиги.**

ПАХТА ЎРНИГА ПИЁЗ

ялдаги сугориладиган ер- ларнинг балл-бонитети ўртача 50 баллга тушиб қолганини экин майдон- ларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, ероти сизот сувларининг кўтарилгани, сугориш тар- моқларининг эскириб қол- гани, дренажларнинг иш- дан чиқиб бораётганидан далолат беради. Маҳал- лий ҳокимликлар билан биргаликда қилинаётган саъй-ҳаракатларимиз ўзи- нинг ижобий самарасини бера бошлади. Биргина ўтган йили қишлоқ хўжа- лик оборотидан чиқиб қолган 8 минг гектар ер ҳолати қайта тикланди.

Вилоятимиздаги фер- мер хўжалиқларига узоқ муддат билан ижарага бе- рилган умумий ер майдо- ни 117369 гектарни таш- кил этади. Шундан ҳайда- ладиган ер 107746 гектар, сувли ҳайдаладиган ерлар 90651 гектар, боғлар 356

даги экинлар экиб, томо- рка сифатида фойдала- нишмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Арносой туман- нидаги «Баҳодир» фермер хўжалиги 9 гектар ердаги боғни бузиб, ўрнига полиз ва пиёз экканлиги аниқланди. «Оқбулоқ» фермер хўжалиги 5 гек- тар, «Ражаб бобо» фер- мер хўжалиги 3,5 гектар майдонга пахтани режа- дагидан кам экканлиги аниқланди. Бу ҳақда те- гишли ҳужжатлар тўпла- ниб, чора кўриш учун ту- ман прокуратурасига юборилди. Биргина Арна- сой туманида пахтани кам экиб, ўрнига томорқа эк- кан 14 та фермерга нис- батан далолатнома тузи- либ, уларга тегишли чо- ралар кўрилди.

Зарбдор туманидаги «Тоғай тўпи» фермер хўжалигида режага нисба- тан 15 гектар, «Оқтепа»



28 феврал - 5 март

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Тахлилнома".

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 Марказий газеталар шарҳи. 8.45 Ёш ижроичлар концерти.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 "Олтин тож".

14.10 "Юки орда қолмас элимнинг". 14.25 "Манаъият" дастури.

17.00 "АҚШ. Космонавтика асри". 17.20 "Вақтин келти".

14.10 "Камолот сари". 14.30 "Отлар сузи — ақлинг кўзи".

14.10 Автопойга бўйича Ўзбекистон чемпиони.

14.10 "Кунвоқ шаҳарча". Телевизион ўйин.

13.20 "Кунвоқ шаҳарча". Телевизион ўйин.

14.10 "Машриқ оҳанглари". 14.30 "Сомон йўли".

13.20 "Кунвоқ шаҳарча". Телевизион ўйин.

14.15 "Дўстлик" видеоанали: 1. Мехрангез. 2. Жетиген.

14.10 "Машриқ оҳанглари". 14.30 "Сомон йўли".

14.15 "Дўстлик" видеоанали: 1. Мехрангез. 2. Жетиген.

15.35 "Лев Толстой". Бадий фильм. 2-серия.

22.55 "Манаъият" дастури. 23.45 "Ахборот".

10.15 "Автосалтанат". 10.30 "Ер ишқи".

12.15 "Дастхат". 12.35 "Муслиқ лаҳзалар".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

15.15 "Муслиқ лаҳзалар". 15.25 "Мирзо Ғолиб".

14.45 "Якшанбада кўришгунча". 15.05 "Ёшлар" телеканалда.

18.40 "Таанич". 18.55 "Муслиқ лаҳзалар".

20.00 "Давр" - интервью. 20.15, 21.05, 22.30 Ўзлонлар.

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

17.45 "Муслиқ лаҳзалар". 17.50 "Кўрсатувлар дастури".

21.10 "Ўйли йил — Соғлом авлод йили".

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Баскетбол. NBA энг яхши ўйинлари.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

0.00 "Давр". Ахборот дастури. 0.10 Футбол. Чемпионлар лигаси.

18.20 Ўзлонлар. 18.25 "Табриқлаймиз, кўтлаймиз".

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

20.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.

15.15 "Битик".

22.40 "Интерспорт".

16.25 "Ёшлар" телеканалда.

16.25 "Ёшлар" телеканалда.

16.25 "Ёшлар" телеканалда.

16.25 "Ёшлар" телеканалда.

Жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши теран томирлардан сув ичган халқимизнинг азалий қадриятларига мос келади. Чунки ота-боболаримиз ҳам «Соғ танда соғлом ақл» бўлишини қайта-қайта таъкидлагани қолмай, бу пурхикмат ақидага қатъий амал қилганлар. Зеро, соғлом вужуд, соғлом руҳгина соғлом фикрга, эркин дунёқарашга эга бўлади. Ҳақиқий маънодаги ҳукукий-демократик давлатни эса эркин фикр-

ги беморларга эътибор кўпроқ талаб этилишини шифокорлар яхши ҳис этишадди. Шунинг учун ҳам эллика яқин шифокор мазкур бўлимларга жалб этилган. Шуниси эътиборга молики, болалар бўлимидаги 42 шифокорнинг 21 нафари олий, 10 нафари биринчи, қолганлари эса иккинчи тоифали шифокорлардир. «Болалар касалликлари» кафедрасида эса «Соғлом авлод учун» ордени ишондорни профессор М.Мирзамухамедов, про-

СОҒЛОМ АВЛОД - МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

ловчи, кенг дунёқарашга эга бўлган соғлом авлод куради. Биз билан суҳбатда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-шифохонасининг бош шифокори Комил Акрамов бу ҳақда шундай деди: — Ватан ва халқ олдидаги ўз бурчини муқаддас деб билган ҳар бир инсон аввалдан ўз фарзанди олдида масъулдир. Айниқса, биз шифокорлар соғлом авлодни, демаски, эркин фикр, замонавий дунёқараш соҳибини камол топтириш борасида кўп ишлар қилишимиз керак. Кўп тармоқли болалар бўлими 130 беморга мўлжалланган бўлиб, у саккиз бўлимдан иборат. Зотилжам, нефрология ва ревматизм бўлимидагиларга нисбатан ҳам бир ёшгача бўлган чақалоқлар ҳамда жонлантириш бўлимида-

фессор И.Каримжонов каби малакали шифокорлар хизмат қиладилар. Шифохонанинг диагностика бўлимида барча биринчи текшириш ва тахлиллар олиб борилиб, беморларга ўз вақтида таълим қўйиш яхши йўлга қўйилган. Шифохонанинг УЗИ, эндоскопия каби энг замо-

навий тиббий ускуналар ва алоҳида тахлилнома учун асбоблар билан беморларнинг тезда соғайиб кетишига ёрдам бермоқда. Айниқса, АҚШнинг Элиноси университети билан ҳамкорликда жонлантириш бўлимида очилган неонотология маркази шифоталаблар-

нинг дилларини хушнуд этмоқда. Марказ учун Америкадан олиб келинган тиббий асбоб-ускуналар, барча зарурий жиҳозлар шифокорларнинг ишларини анча енгиллаштирмоқда. Шифо масканидида олиб борилаётган ишларнинг амалий натижалари яхши томонга ўсиб бораётганини шундан ҳам кўриш мумкинки, ўлим кўрсаткичи йилдан-йилга камаймоқда. Бу кўрсаткич 1998 йилда 1,1 фоиз бўлган бўлса, ўтган йилда у 0,7ни ташкил қилди. Болалар бўлимидаги бир ёшгача бўлган чақалоқлар ва уларнинг оналари соғлигини тиклашнинг яхши йўлга қўйилгани ҳам, ана шундай оғир натижаларга олиб келган бўлса ажаб эмас. **Раъно МАҲКАМОВА, «Ишонч» муҳбири.**



Суратда: Болалар касалликларини даволаш бўлими бош шифокор муовини Ниғора Ахорова (чапда) ва нефрология бўлими мудири Зумрад Ҳамидова.

Иқтисодий тараққиётга маънавий-маърифий баркамолликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Олий Мажлис иккинчи чакриқ биринчи сессиясида республика Президенти Ислам Каримов ўз маърузасида ёш авлод тарбияси, камолати мавзусига алоҳида тўхталгани ҳам бежиз эмас. Бу борада белгиланган вазифалар халқ таълими муассасаларида қандай бажарилмоқда? Тайлоқ туман халқ таълими бўлими муdiri Яздон Ҳамидов билан шу хусусда суҳбатлашдик.

ўқувчи ўрта махсус ўқув юрталарига қабул қилинган. Бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан анча юқоридир. Бундан ташқари бир қанча ўқувчиларимиз «Умид» жамағатисига орқали Япония, АҚШ, Англия каби мамлакатларда таҳсил олишга йўлланиш олди. Буларнинг ҳаммаси

«Соғлом авлод йили» вазифаларини бахариш учун ўз тадбирларини ишлаб чиқди. Бунда маънавий камолот масаласига, айниқса жисмоний тарбияга эътибор қаратилди. Бу борада туман ҳокимлиги, ҳўжалик ва ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, улар ҳамкорлиги-

хон болалар адабиёти дурдоналари билан тезроқ бойитиш керак. Туманимизда таълим соҳасида эришилаётган муваффақиятларнинг яна бир омилли бор. У ҳам бўлса, туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар ойда бир марта «Халқ таълими кўни» мунтазам ўтказилаётганидир. Бунда барча ташкилотлар раҳбарлари, ота-оналар белгиланган мактабларга боришади. Муҳими, бунда мактабнинг бирор бир муаммоси ҳал этилади. Битта мисол. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Худойберди Боймуродов раҳбарлигида «Боғизагон» ижара ҳўжалиги ҳисобидан шу ҳудуддаги мактабларнинг энг яхши ўқитувчиларига қўшимча маош, энг яхши ўқувчиларга стипендиялар тайинланди. Хуллас, болалар — келажагимиз, умидимизни биз бошлаб қўйган хайрли ишларни улар-рўёбга чиқаради. Шинобарин, бу мажбурият барчамизга дахлдордир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

ФАРЗАНД УМР МЕВАСИ

фаоллигини оширди. Бошқача айтганда, ўқувчининг эркин мушоҳада юритишига имкон яратилди. Шуниси муҳимки, ўтган даврда туманимиздаги «Боғизагон» ва «Соҳибкор» жамоа ҳўжаликларидида ҳар бири 740 ўринли 2 та янги мактаб курилди. Ўн еттита мактабда компьютер синфлари ташкил этилди. Шунинг алоҳида ифтихори билан айтмоқчиманки, ўтган икки йил ичидида ўқувчиларимизнинг саводхонлик ва билим даражаси анча юксалди. Давлат тест марказининг маълумотига кўра 1999 йилда туманимиз мактабларини битирган 250 ўқувчи олий ўқув юрталарига, 460

таълимга берилётган эътиборнинг мевасидир. «Соғлом авлод йили» дастурининг қабул қилиниши таълимга миллий қадриятлар нуктаи назаридан ёндошишни тақозо этмоқда. Бу эса миллий меросни, аجدодлар тарихини муқаммал ўрганишдан бошланади. Шу мақсадда мактабларда мунтазам равишда «Аждодларимизни ўрганиш» тадбири ўтказилмоқда. Хусусан, ўтган йили туманимиз ҳудудидида тавалуд топган Маҳмудхўжа Бехудий ҳаёти ва меросини ўрганиш мақсадида иншолатанлови, кўргазмалар, кечалар уюштирилди. Қисқаси, туман халқ таълими бўлими

да барча мактаблардаги спорт майдончалари, спорт заллари таъмирланиб, жиҳозланмоқда. Мактаб-ўқувчиларнинг футбол жамоаси ўтган йили республика «Умид гунаҳлари» мусобақасида голиби бўлди. Дарвоқе, бунда туман спорт мактаби ва туманнинг 2-олимпия захиралари коллежи ўқитувчилари меҳнатининг самараси катталигини эътироф этиш керак. Эндликда маорифни яналу кўпроқ қўллаб-қувватлаш, хусусан, энг аввало мактаб кутубхоналарини миллий қадрият ва меросига аждодлар тарихига оид китоблар билан, шунингдек, лотин алифбосида чоп этилган жа-

ҳон болалар адабиёти дурдоналари билан тезроқ бойитиш керак. Туманимизда таълим соҳасида эришилаётган муваффақиятларнинг яна бир омилли бор. У ҳам бўлса, туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар ойда бир марта «Халқ таълими кўни» мунтазам ўтказилаётганидир. Бунда барча ташкилотлар раҳбарлари, ота-оналар белгиланган мактабларга боришади. Муҳими, бунда мактабнинг бирор бир муаммоси ҳал этилади. Битта мисол. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Худойберди Боймуродов раҳбарлигида «Боғизагон» ижара ҳўжалиги ҳисобидан шу ҳудуддаги мактабларнинг энг яхши ўқитувчиларига қўшимча маош, энг яхши ўқувчиларга стипендиялар тайинланди. Хуллас, болалар — келажагимиз, умидимизни биз бошлаб қўйган хайрли ишларни улар-рўёбга чиқаради. Шинобарин, бу мажбурият барчамизга дахлдордир.

ҚўЛ ЖАНГИ БАҲСИ

25-27 феврал кунлари Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуидида қўл жанги бўйича ёшлар ўртасида Республика чемпиони ўтказилди. Ҳудудда бўлган мамлакатимиз спортчилари 12 вазн тоифаси бўйича голиблик учун майдонга чиқадилар. «Соғлом авлод учун» йилига бағишлаб ўтказилган мусобақадан кўзланган мақсад мамлакатимиз ёшлари ўртасида жисмоний соғломлаштириш ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, мазкур яққа кураш турини республикамиз барча фуқароларининг сеvimли спорт сифатида оммавийлаштиришдан иборат, деди «Динамо» спорт клуби қўл жанги бўйича бош мураббийси Адҳам Рашидов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Бўлажак бахслар голиблари МДХ ҳамда халқаро беллашуларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, деб ишонаман. Қўл жанги федерациясидан олинган маълумотга кўра, мусобақа икки босқичда ўтказилиб, қўл жангининг ўзинга хос кўргазмалари чикшида 90 балл йиққан спортчигина иккинчи босқичда рақиб билан галаба учун курашиш имкониятига эга бўлади.

БОҒЧАДА ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 499-болалар боғчасида кичик ҳайвонот боғи ташкил этилди. Боғча тарбиячилари билан республика ёшларининг «Биозко-сан» ўқув - услубий мажмуиси ходимларининг амалий ҳамкорлиги шундай натижа берди. Эндликда болалар эрталаблари боғча опалари қошига хархаша қилмасдан келадиган бўлишди. Кичик ҳайвонот боғида эчки, қоз, қўён, ўрдак, тошбақа, илон каби ҳайвонлар, сайроқи қўшлар, балиқлар парвариш қилинмоқда. - Мақсадимиз шунки, фарзандларимиз гўдақликданок жонли табиат билан ахил-иноқ бўлиб ўсинлар, қалбларида наботот ва ҳайвонот оламига меҳр-шафқат ниҳоллари илдиэ отсин, - дейди «БИОЭКОСАН» директори профессор Эшбой Турдиқуллов. - Мазкур боғчада «Биозко-сан»нинг тажриба-синови майдончаси ишламоқда. «Бошланғич экология» дастури бўйича машғулотларни тарбиячи Муборак Абдурахмонова олиб боради. Ҳайвонлар, гуллар, қўқатларни парвариш қилишда болажонлар ҳам завқ-шавқ билан иштирок этишаптир. Машғулотлар ноанъанавий усуллар - саёҳат, кўргазмалар даре, расм чизиш тарафда ўтказилмоқда. Боғча қошида очилган фитобар. ходимлари эса ҳар кун болалар учун доривор гиёҳлардан шифобахш шарбатлар тайёрлаб беришапти. **«Туркистон-пресс»**



Айиқчанининг феъли ёмон, бир сўз демайди, Холва берсам суёб-суёб, холва емайди. Нега дейман ҳайрон қолиб, ширин-ку дейман, Асаллигим, дейди нега эгам билмайди. **З.РАҲМАТУЛЛАЕВ** олган сурат.

Туман марказида замонавий услубда қурилган маданият саройи бор. Бироқ бу бино қаровсиз қолганлиги туфайли деярли фаолиятсиз эди. Истиқи тизимининг ишласмаслиги туфайли куз ва қиш мавсумида ҳеч ким қадам ранжида қилмасди. Туман маданият бўлимига Бахтиёр Элмуродов раҳбар этиб тайинлангач, манзара ўзгарди. Маданият саройи атрофи кўкаламзорлаштирилди. Бино таъмирланди. Ўтган йили кузда маданият саройини табиий газ билан иситиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Маданият саройи деярли ҳар кун одамлар билан фарзанглирига моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Маданият уйи бадий ҳаваскорлари ҳам бу хайрли ишларга улушларини қўшиб бепул томошалар уюштирдилар. Кейинги йилларда маданият уйи қошида бир неча гуруҳлар ташкил этилиб, унга

МАДАНИЯТ САРОЙИ ЧОРЛАЙДИ

лабки ойида ҳам 20 кўплаб талантли санъаткор ёшлар жалб этилди. 20 турдаги газета-журналлар ҳам ўқувчилар учун. Маданият бўлими асосий эътиборни омма орасида маънавий, маданий -маърифий ишларни кенг тарғиб этишга қаратмоқда. Ўтган йили «Аёллар йили» муносабати билан қатор қизиқарли тадбирлар ўтказилди. «Жамият курилиши ва ҳаётда аёлнинг ўрни», «Сен барибир муқаддассан, аёл», «Она билан мунававар олам», «Даврага кел, дугонажон» каби мавзуларда ўтказилган учрашувлар, амалий суҳбатлар кўпчиликида ёддан чиқмас таассуротлар қолдирди. Шунингдек, аёлни улугловчи ва шарафловчи турли кўрик ва беллашуларда ташкилот, корхона, ҳўжалик ва мактабларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг катта қизиқиши билан иштирок этиши - уларнинг мана шундай амалий тадбирларга ташна эканлигидан дарак беради. «Соғлом авлод йили»ни Зарбдор тумани маданият бўлими ўзинга хос дастур билан қўшиб олди. Меҳр-муруват ун кунлигини йил бўйи давом эттириш мақсадида кўплаб саноҳватпеша замондошларимиз мактаб ва ли-

САҲНА - МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Олим Ҳўжаев номли Сирдарё вилоят театри ташкил топганига 25 йил тўлди. Бу қошиона тамал тошини қўйганлардан бири, таникли актёр Адҳам Абдуллаев билан мулоқотда бўлдик.

— Адҳам ака, театрга қадам ранжида қилган илк кунлар ёди билан яшайман, деган эдингиз... — Тўғри. Биз шу ерда камол топдик, танилдик. 1975 йил Санъат олийгоҳини тамомлаган бир гуруҳ ёшларни янги оқини театрда ишга жўнаштирди. Асли тошкентлик бўлганим учун икки-уч йил меҳмонхонада яшадим. Қийинчиликлар кўп бўлди. Лекин туз-насиб экан, мирзачўллик бўлиб қолдим. Шу ерда бахтимни топдим. Истеъдодли санъаткор Озодхон Абдуллаева билан турмуш қурдик. Мана, қарий чорак йилдирки, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳамоҳанг қадам ташлаб келяймиз. — **Сизни тиниб-тинчимас актёр, дейишадими...** — Худоба шукур, саксондан зиёд турли феъл-атвордаги образларни томошабинлар ҳукмига ҳавола этдим. «Алишер Навоий»даги Махиддин, «Неварали келин»даги Шоли, «Карвон Бехатар бўлмас»да Саримсоқ, «Қизи борнинг нози бор» спектаклида Шодмонбек, «Қиёмат»да Сержант, «Чорбоғдаги хангомалар»да Иван Васильевич ва бошқа қатор ролялар назаримда муҳлисларимга ҳам маъқул тушган эди. — **Бир гал саҳнадан тўппа-тўғри шифохонага олиб кетишган экан. Нима бўлганди ўшанда?** — 1989 йили эди. Театримиз гастролда спектакл намойиш этиши режалаштириб қўйилганди. Эълон ва афишлар тарқатилган. Дублёрсиз бош ролни ижро этишим лозим. Фалокат босиб, бехосдан йиқилиб тўртта қовурғани синдириб олдим. Шифокорлар тўшакка «михлашди». Қарасам, бўлмади. Ахир, одамларни алдаб қўйишдан ёмоний йўқ. Гарчанд оғриқлар озор берса-да, тишини-тишга қўйиб саҳнага чикдим. Ўша образни маромига етказиб ўйнадим. Гулдурос қарсақлар остида саҳнани тарқ этдим, мазам қочиб, йиқилдим... — **Режалар ҳақида...** — Режиссурага ҳам қўл ургим келди. Театр репертуридан ўрин олган «Илтмос», «Чорбоғдаги хангомалар», «Эҳ овсинлар, овсинлар» спектаклларим кўпчиликига ёқди. Шунингдек, яна бир хайрли иш * Мирзачўл театри тарихи, санъаткорлари ҳақида манбалар тўпламан. Улар асосида китоб ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас. Хуллас, изланиш, интилиш деганларидек, тин олишга вақт йўқ. **Суҳбатдош: Н.ШАМСИЕВ.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Оstonов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Довери»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бечимни А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нусха. Сотишда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00